



ИШЧИ ГУРУХ ЖИЗЗАХДА

Партиямиз томонидан аҳоли манфаатларини таъминлаш, фуқаролар мурожаатларини жойида ўрганиш, ижтимоий адолат таъминлашнинг ҳаётга изчил татбиқи этиш ҳамда ҳудудлардаги амалий фаолият самарадорлигини оши-

ришга қаратилган ишлар тизимли равишда амалга оширилмоқда.

Бу гал Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Озода Парпибоева бошчилигидаги ишчи гуруҳ Жиззах вилоятида бўлиб, ижтимоий аҳамиятга эга муассасалар фаоли-

яти билан танишиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар ҳолидан хабар олиш ҳамда ҳудудий-маҳаллий кенгашлар фаолиятини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратишди.

2

Муришкор заминдаги ҚАРДОШЛАРНИНГ ДЎСТЛИК ТАНТАНАСИ

4

Сирдарё вилояти Қирғиз миллий маданий маркази томонидан доимий ўтказиб келинаётган "Оқ қалпоқ" байрам тадбири, миллий либослар ва таомлар кўргазмалари ҳамда танловлари қирғиз халқининг бой маданияти, урф-одатлари ва пазандачилик санъатини кенг жамоатчиликка намойиш этишга хизмат қилмоқда.



Ваъда эмас — амалий ечим

ИНСОН ҚАДРИ ВА ТАРАҚҚИЁТ — АМАЛИЙ БОСҚИЧДА

Қонунлар парламент ичида қабул қилинади. Аммо уларнинг ҳаётда қандай ишлайётганини билиш учун халқ орасига кириш лозим. Шу боис Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг жойларда аҳоли билан учрашувлари оддий таширф эмас, балки халқ дардини эшитиш ва унга ечим излашнинг муҳим майдони ҳисобланади. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги "Адолат" социал-демократик партияси фракцияси аъзоларининг навбатдаги ўрганишлари ҳам айнан шу мақсадга қаратилди.

3



НАВБАТ БОР, АДОЛАТ-ЧИ?

Депутат пойтахт ҳокимига сўров юборди



"Адолат" СДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзоси Гулрух Агзамова пойтахтда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни давлат уй-жой фонди ҳисобидан турар жой билан таъминлаш ҳолати юзасидан Тошкент шаҳар ҳокими Шавкат Умурзаковга депутатлик сўрови юборди.

Кейинги йилларда мамлакатимизда инсон қадрини улуғлаш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ҳамда эҳтиёжманд фуқаролар учун муносиб турмуш шароитлари яратишга қаратилган кенг қўлмали ишловлар амалга оширилмоқда. Хусусан, давлат уй-жой фондидан фойдаланиш ва ижтимоий уй-жойларни электрон навбат асосида очик ҳамда адолатли тақсимлашнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Бироқ депутатларнинг жойларда сайловчилар билан ўтказётган учрашувлари, фуқароларнинг қабулларда билдирилаётган мурожаатлари ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган материаллар мазкур йўналишда ҳали ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжудлигини кўрсатмоқда.

3

НАТОДА

барчани
қизиқтирган
АЁЛ КИМ?

PES
SOCIALISTS & DEMOCRATS




CONGRATULATIONS
TO OUR FRIENDS,
THE SOCIAL DEMOCRATIC
ALLIANCE OF ICELAND

5

САЊА ФОНД ПОШ

Кейинги кунларда жанубий кореялик 400 мингдан ортиқ кузатувчисига эга сайёҳ-блогер Санга Тошкентда "Ўзбекистон" меҳмонхонаси яқинидаги дўкондан салқин ичимлик харид қилмоқчи бўлганида, сотувчи маҳсулот учун 90 минг сўм талаб қилган.

6



"МЕҲМОНДЎСТЛИК"

МАҲАЛЛАМИЗ ЮКСАЛИШИГА

ҲАР БИРИМИЗ МАСЪУЛМИЗ!

Бугунги сиёсатда энг кўп жаранглаётган ва ҳаёти-мизга чуқур кириб бораётган сўз – маҳалла. Илгари-лари маҳалла асосан тўй-маъракалар ўтказиладиган, оқибат ва шарқона қадриятлар сақланадиган ижтимоий маскан сифатида қабул қилинарди. Бугун эса “маҳалла” тушунчаси тубдан кенгайиб, давлат бошқарувининг энг қуйи, аммо, энг муҳим таянч бўғини, халқ билан очиқ мулоқот ва ислохотлар ижросини таъминлайдиган яхлит тузилмага айланиб бормоқда.

**Озода ПАРПИБОВЕВА,
Ўзбекистон “Адолат” СДП
Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари**

Давлатимиз раҳбарининг “**Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида**”ги фармони қабул қилинган эса мазкур институт фаолияти ва таъсирчанлигини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиши билан аҳамиятли бўлди. Фармонда белгиланган ҳар бир муҳим янгиллик замирида аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи улкан аҳамият ва амалий мақсадлар мужассам, албатта.

Айталик, “маҳалла еттилиги” аъзоларининг вазифалари аниқ чегараланиб, Уюшманинг туман бўлиmlарига тизим вакиллари фаолиятига ноқонуний аралашган ёки хизмат вазифасига кирмайдиган ишларга жалб этган раҳбарларга нисбатан ҳокимларга тақдимнома киритиш ваколати бериладиган бўлди. Бунинг аҳамияти шундаки, маҳалла ходимлари турли мажлисбозлик, ортқиқа ҳисоботбозлик ва носоҳавий топшириқлардан озод этилиб, бор эътибори ва вақтини бевосита ҳудуддаги аҳоли муаммоларини ҳал қилишга қаратишга шароит яратилди.

Шунингдек, “Рақамли маҳалла” электрон платформасига сунъий интеллект технологиялари интеграция қилиниб, аҳоли мурожаатлари автоматик равишда сараланадиган, тегишли масъулларга тақсимланадиган ҳамда маҳаллалар кўрсаткичларига қараб “қизил”, “сарик”, “яшил” тоифаларга ажратилиб, мониторинг қилиниши белгиланди. Бу инсон омилига барҳам бериш, мурожаатларнинг қорғозда қолиб кетишининг олдини олиш ҳамда қайси маҳаллада аҳвол оғирлигини реал вақт режимида қўриб, ресурсларни тўғри йўналтиришга хизмат қилади.

Яна бир жиҳат. Эндиликда Маҳал-

лалар фаолиятини рағбатлантириш жамғармасига республика бюджетидан ҳар йили 200 миллиард сўм ажратилиши билан бирга, санитария ҳамда ноқонуний қурилиш учун ундирилган жарималарнинг 10 фоизи ва мол-мулк ҳамда ер солиғи тушуmlарининг 15 фоизи бевосита Маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этиш жамғармасида қолдирилади. Натижада, тузилма эндиликда молиявий қарамликдан чиқиб, йўлларни ташмирлаш, ёритиш чироқларини ўрнатиш ва кичик инфратузилма масалаларини юқори ташиқлотлардан пул кутмасдан, ўз бюджети ҳисобидан мустақил ва тезкор ҳал этиш имконига эга бўлади.

Шу билан бирга, фармонда биринчи мартаба энгил ёки унча оғир бўлмаган жиноят содир этган шахсларга фуқаролар йиғини кенгашининг қафиллиги асосида суд-тергов органлари томонидан энгиллик бериш ҳамда “маҳалла еттилиги” томонидан уларни қайта тарбиялаш, касбга ўргатиш ва бандлигини таъминлаш тизими жорий этиш кўзда тутилган. Бу инсонпарвар ёндашув адашган фуқарога жамиятдан ажралмаган ҳолда тўғри йўлга қайтиш имконини беради ва жиноятчиликнинг олдини олишда жазолаш эмас, балки профилактика ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш тамойили асосий ўринга чиқишини таъминлайди.

Аҳамиятлиси, “маҳаллабаш” иш-лашга масъул бўлган давлат органлари ва вазирликларда раҳбар ўринбосарларидан бири бевосита Маҳаллалар уюшмаси билан ҳамкорлик қилишга шахсан масъул этиб белгиланди. Бу, ўз навбатида, маҳалла даражасида ҳал бўлмаган тизимли муаммолар туман, вилоят ва республика даражасидаги вазирликларга қайта юзланиши

чиқиши ва давлат идораларининг маҳалла олдидаги масъулияти бир неча барава ра ошишига йўл очади.

Маҳаллалар уюшмасининг ҳудудий бошқармалари ва туман бўлим-ларига маҳаллалардаги муаммоларни тизимли таҳлил қилиш, масъул идоралар ўртасида ҳамкорлик йўналишларини белгиллаш ҳамда ҳудудий дастурларни тайёрлаш ва ижросини назорат қилишда бевосита иштирок этиш ҳуқуқи бериладиган бўлди. Демак, маҳаллаларда тўпланиб қолган муаммолар энди шунчаки қуйи даражада қолиб кетмайди, балки Уюшма орқали ҳудудларни ривожлантириш дастурларига тўғридан-тўғри киритилади ҳамда уларнинг ижроси устидан қатъий ва мустақил назорат ўрнатилади.

Бироқ яратилаётган катта имкониятлар, берилётган ваколатлар ва тақдим этилаётган молиявий ресурслар кутилган натижани бериши учун жамиятнинг бевосита иштироки ва бефарқ бўлмаслиги ҳам муҳим аҳамиятга эга. Негаки, маҳалла бу фақат “маҳалла еттилиги” ёки давлат идораларига тегишли тушунча эмас, балки умумий уйимиздир.

Агар тарихга назар ташласак, халқимизнинг асрий қадриятлари манбаи бўлган маҳалла ҳеч қачон шунчаки ҳудудий ёки маъмурий чегараларга эга бўлмаган. Илгари маҳаллаларимизда Фармонбибилар, ёши улғу отахону онахонлар ва эътиборли кай-вонилар бўлган. Маҳаллада бирор муаммо юзга келса ёки каттарок иш бошланса, жамоатчилик йиғилиб, ба-маслаҳат иш қўрган. Бировнинг хонадонидаги хурсандчилик ҳам, ташвиш ҳам бутун маҳалланинг ишига айланган. Кўча тозаллиги, етим-есирлар ҳолидан хабар олиш, адашгани тўғри йўлга солиш – ҳамма-ҳаммаси жамоатчиликнинг аҳил саъй-ҳаракати ва маънавий масъулияти билан ҳал этил-

Давлат бераётган имконият – бу пойдевор! Бу пойдевор устига иморат солаётган эса айнан шу маҳаллада яшаётган сиз ва бизмиз. Шундай экан, келинг, маҳаллаамиз ҳаётига бефарқ бўлмайлик. Уйимиз ва кўчамиз озодалигидан тортиб, ён-атрофимиздаги ижтимоий муҳит барқарорлигига ҳам ўзини масъул, деб билайлик. Ён-атрофимиздаги эҳтиёжман қўшниларга ёрдам қўлини чўзайлик, йўлдан адашаётган ёшларни тўғри йўлга солайлик, маҳалладаги жамоат ишлари ва ободоналаштириш тадбирларида фаол иштирок этайлик. Маҳаллаамизни аҳиллик, тозалик, ободлик ва юксалишда барчага намуна бўладиган файзли гўшага айлантирайлик. Муаммоларга томошабин бўлиб эмас, уларнинг ечимини ижобий куч сифатида майдонга чиқайлик, чунки маҳаллаамиз фаровонлиги – ўз кучимиз ва яқин иродамиз маъсулидир.



ТАЛАБАЛАР МАНФААТИ КЎЗЛАНГАН ХАЛҚЧИЛ ТАКЛИФ

Дастлабки манзил – Жиззах шаҳридаги “Жиззахлик” маҳалласи бўлди. Амалий тадбирлар аҳоли учун сайёр қабул ташкил этиш билан бошланди.

Унда фуқароларнинг ижтимоий муҳофаза, бандлик, тадбиркорликни ривожлантириш, таълим, соғлиқни сақлаш, коммунал хизматлар, уй-жой, кредит ҳамда бошқа долзарб масалалар юзасидан мурожаатлари эшитилди.

Уларнинг ҳар бири амалдаги қонунчилик талаблари асосида қўриб чиқилиб, тегишли давлат ташкилотлари ва мутасадди идоралар билан ҳамкорликда уларнинг ижобий ечимига эришиш чоралари белгиланган олинди. Таъкидлаш жоизки, партия томонидан фуқаролар билан бевосита мулоқот қилиш, уларнинг дарду ташвишларини эшитиш ва амалий ечимлар ишлаб чиқиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган бўлиб, мазкур қабул ҳам ана шу эзгу мақсадларга хизмат қилди, дея оламиз.



Тадбирни “Адолат” СДП Жиззах вилояти кенгаши раиси Ориф Шукуров очиб берди. У ўз сўзида партия томонидан аҳоли мурожаатларини ўрганиш, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда жойлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этишга қаратилган ишлар изчил давом этаётганини таъкидлади.

Шундан сўнг, Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Озода Парпибоева ҳамда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Шухрат Якубовлар сўзга чиқиб, фуқаролар мурожаатларини ўз вақтида ҳал этиш, аҳоли билан очиқ мулоқотни янада кучайтириш ва қонунчилигини ҳаёт талаблари асосида такомиллаштириш муҳим вазифалардан бири эканини қайд этдилар. Шунингдек, йиғилганларни яқинлашиб келаётган мустақилликнинг 35 йиллиги билан самимий табриклашди.

Мустақиллик йилларида мамлакатда инсон қадрини юксалтириш, аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш ҳамда фуқаролар учун яратилган кенг имкониятлар хусусида сўз юритилди.

Қабул давомида Жиззах шаҳар “Сайилжой” МФЙ фаоли Отабек Адиллов турар жойларни расмий ижара шартномаси асосида ижарага беришдаги солиқ юки масаласини кўтарди. Унинг таъкидлашича, амалдаги тартиб айрим ҳолларда ижара ҳақининг ошишига сабаб бўлиб, бу, айниқса, талабалар учун қўшимча молиявий қийинчиликларни келтириб чиқармоқда. Натижада айрим фуқаролар ижара муносабатларини расмийлаштирмасдан амалга оширишга мажбур бўлаётганини билдириб, ижтимоий аҳамиятга эга ижара муносабатлари бўйича солиқ юкини қайта қўриб чиқиш, талабалар ҳамда турар жойини ижарага бераётган жисмоний шахслар учун имтиёзли механизмларни жорий этиш юзасидан таклиф билдирди.

Маҳалладаги мулоқот давомида аҳолининг турмуш даражасини юксалтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларни қўллаб-қувватлаш, бандлигини таъминлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш борисида амалга оширилаётган ишлар хусусида ҳам фикр алмашилди.

ТИББИЁТ КЛАСТЕРИ — САЛОМАТЛИКНИ МУҲОҲАЗА ҚИЛИШНИНГ МУСТАҲКАМ ТАЯНЧИ

Жиззах шаҳрида фаолият юритаётган Тиббиёт кластери ҳам ўрганиш дастуридан жой олди. Муассаса бугунги кунда соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларнинг амалий натижаларини ўзида мужассам этган муҳим муассасалардан бири ҳисобланади.



Тиббиёт кластери директори Жаҳонгир Санакулов партия ишчи гуруҳига мазкур муассаса фаолияти билан танишиш жараёнида диагностика, даволаш ва реабилитация йўналишларида амалга оширилаётган ишлар ҳақида батафсил маълумот берди. Кластер таркибида аҳолига тезкор, қўлай ва сифатли тиббий хизмат кўрсатиш учун зарур шарт-шароитлар яратилгани, энг сўнгги авлод тиббий ускуналари билан жиҳозланган бўлимлар фаолият юритаётгани қайд этилди.

Айниқса, рақамли технологияларнинг тиббиёт соҳасига кенг жорий этилаётгани хизматлар сифатини янги босқичга олиб чиқмоқда. Электрон тиббий карталар, замонавий лабораториялар, аниқ тахшиш қўлайлиги имкониятларининг кенгайиши натижада беморларни даволаш самараси ортиб кетмоқда. Бу эса вақт тежаллиши, ортқиқа овораргичликларнинг олди олиниши ва аҳоли учун янада қўлай тиббий хизматларни ташкил этишга хизмат қилмоқда.

Танишув давомида муассасада меҳнат қилаётган шифокорлар ва тиббиёт ходимлари билан мулоқот қилинди. Уларнинг касбий маҳоратини мунтазам ошириш, халқаро тажрибани ўрганиш ва замонавий тиббий ёндашувларни амалиётга татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Бу эса нафақат Жиззах вилояти, балки қўшни ҳудудлар аҳолиси учун ҳам малакали тиббий хизматлар қўламини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Муассаса фаолияти билан танишиш чоғида тиббий хизматлар сифатини янада ошириш, аҳоли мурожаатларига тезкор муносабат билдириш, юқори технологияли даволаш усулларини кенгайтириш ҳамда тиббий хизматлар қамровини янада кенгайтириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу билан бирга, партия раҳбарияти Жиззах шаҳри ҳамда Шароф Рашидов туманида истикомат қилаётган Фахриддин Арзikuлов, Суръат Соибназаров хонадонларида бўлиб, уларнинг турмуш шароити, кундалик эҳтиёжлари ва мавжуд муаммоларини ўрганди. Вилоят марказидаги “Ҳолида-Луиза” масъулияти чекланган жамияти фаолияти билан ҳам танишилди.

Партиянинг шаҳар ва туман кенгашлари раислари билан йиғилиш ўтказилди. Жиззах шаҳрида ташкил этилган “Конституция майдончаси” кўздан кечирилди.

**Шаҳноза СОАТОВА,
Жиззах вилояти кенгаши матбуот котиби**

“ҲАЁТНИ ТАНЛА!” – СОҒЛОМ ТАНЛОВ, СОҒЛОМ ЖАМИЯТ

Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетидида “Адолат” СДП ташаббуси билан ўтказилган “Ҳаётни танла!” акциясининг ҳисобот тадбири бўлиб ўтди.

Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва Ёшлар ишлари агентлиги билан ҳамкорликда 25 июндан 25 июлга қадар республика миқёсида давом этган ойлик акция гиёҳвандликка қарши профилактика ишларини кучайтириш, аҳолида, биринчи навбатда ёшларда мустаҳкам мафкуравий иммунитетни шакллантиришга қаратилди.

Таъкидлаш жоизки, мазкур акция, аввало, синтетик гиёҳвандлик воситаларининг янги ва яширин турлари пайдо бўлаётган бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу иллат нафақат бир инсон саломатлиги ва тақдирига, балки оила тинчлиги, ёш авлод келажаги ҳамда жамиятнинг барқарор тарқиётига ҳам жиддий таҳдид солмоқда.

Тадбирда партия Сиёсий Кенгаши раҳбарияти ва Марказий аппарат ходимлари, ҳамкор вазирлик ва ташкилотлар масъуллари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, “Ёш адолатчилар” ҳаракати фаоллари, Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти Кенгашлари вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Унда партия Сиёсий Кенгаши раиси ўринбосари Озода Парпибоева партиянинг Сайловолди дастурида болаларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкам-

лаш, уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, соғлом ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш устувор вазифалар сифатида белгилангани, шу маънода “Ҳаётни танла!” акцияси партиянинг ёш авлод тақдир ва жамият саломатлигига дахлдор дастурий мақсадларининг амалий ифодаси бўлганини таъкидлади.

Ҳисобот тадбирида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Беҳзод Тўхтамуродов, Ички ишлар вазирлигининг масъул вакили, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси бошқарма бошлиғи ўринбосари Шаҳбоз Раҳимов ҳамда Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси Шахло Арипова мавзу юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Ойлик акция давомида мамлакатимиз маҳаллалари ва ташкилотларида жами 1 264 та тарғибот тадбири ўтказилиб, уларга 36 629 нафар фуқаро қамраб олинди. Тадбирлар партиянинг расмий сайтида 46 марта, партия ва ҳамкор ташкилотларнинг ижтимоий тармоқларида 2 014 марта ёритилди. Марказий ва маҳаллий газеталар ҳамда бошқа босма нашрларда 33 та, телевидение каналларида 17 та материал эълон қилинди.

Бу кўрсаткичлар акциянинг ҳудудий қамрови



билан бирга, мавзунинг жамоатчилик эътиборига кенг олиб чиқилганини ҳам кўрсатади. Энг муҳими, ҳар бир учрашув ва тарғибот тадбири ортда инсон тақдирини, оила фаровонлиги ва ёшлар келажагини асраш каби эзгу мақсад мужассам.

Тадбирда таъкидланганидек, фарзанд оила бағрида меҳр ва эътибордан четда қолмас, унинг қизиқиш ва муаммолари ўз вақтида тингланса, маҳалла ҳамда таълим муассасаси унинг тақдирига дахлдорлик билан ёндашса, ёт иллатларга қарши мустаҳкам ижтимоий қалқон шаклланади.

“Ҳаётни танла!” акциясининг асосий даъвати ҳам шундан иборат: ҳар бир инсоннинг соғлом ҳаётни танлаши – оила фаровонлиги, жамият осойишталиги ва мамлакат келажагини танлаш демакдир. Зеро, соғлом, билимли ва маънан баркамол авлод – фаровон жамият ҳамда қудратли давлатнинг энг мустаҳкам пойдеворидир.

Инсон қадри ва тараққиёт – АМАЛИЙ БОСҚИЧДА



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Гулнорахон Абдувоҳидова Андижон вилояти Балиқчи тумани “Серкүёш” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи II гуруҳ ногирони бўлган Гулбаҳор Аҳмедованинг муурожаатини ўрганди.

Мулоқот давомида фуқаро 2020 йилдан буён буйрак усти бези касаллиги ташхиси билан мунтазам даволаниб келаётгани аниқланди.

Муурожаат юзасидан Балиқчи тумани тиббиёт бирлашмаси масъуллари билан ҳамкорликда тегишли чоралар белгиланди. Хусусан, фуқаронинг тиббий ҳужжатларини белгиланган тартибда расмийлаштириш, зарур тиббий кўриклардан ўтказиш ҳамда тиббий-ижтимоий экспертиза жараёнларини ташкил этиш масаласи депутат назоратига олинди.

Айни жараёнда фуқаронинг қандли диабет касаллиги маҳаллага бириктирилган патронаж ҳамшира ва оилавий шифокор томонидан диспансер назоратига олинмагани ҳам аён бўлди. Оқибатда бемор бепул таъминот доирасида берилиши лозим бўлган инсулин препаратини шу вақтга қадар ўз маблағи ҳисобидан харид қилиб келган.

Депутат бу масалага ҳам жиддий эътибор қаратиб, бемор тегишли тартибда тиббий рўйхатга киритилди. Шунингдек, уни туман тиббиёт бирлашмаси тасарруфидagi шифохонага бепул жойлаштириш ва зарур даволаш чораларини кўриш белгиланди.

Фуқаронинг қонуний манфаатларини таъминлаш, зарур тиббий хизматлардан тўлиқ фойдаланиши ҳамда муурожаатда кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал этилиши депутат томонидан назорат қилиб бориладиган бўлди.

Шунингдек, “Серкүёш” маҳалла фуқаролар йиғинида “маҳалла еттичилиги” ҳамда фаоллари билан учрашув бўлиб ўтди. Унда давлатимиз қон-қон ҳужжатлари ва қарорларнинг мазмун-моҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

ҲАЗОРАСПДА ҚАНДАЙ МУАММОЛАР БОР?

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Тоҳир Полвоновни шу савол Ҳазорасп томон етаклади.

Учрашувларда фуқароларни қийнаб келаётган муаммолар, уларнинг тақлиф ва ташаббуслари атрофлича ўрганилди. Муурожаатлар юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилиб, кўтарилган масалаларни мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳал этиш бўйича аниқ вазифалар белгиланган бўлди.



Тадбир давомида туманнинг “Ал-Хоразмий” ва “Бўстон” маҳаллаларида давлатимиз раҳбарининг 2026 йил 24 июндаги “Маҳалла бошқарувини самарали ташкил этишга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонининг мазмун-моҳияти ва унда белгиланган устувор вазифалар юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилди.

Мулоқотда фармон маҳалла бошқаруви самарадорлигини ошириш, аҳоли муурожаатларини ўз вақтида ва манзилли ҳал этиш, “маҳалла еттичилиги” фаолиятини мувофиқлаштириш, соҳага рақамли ечимларни кенг жорий этиш ҳамда фуқароларга яқин ва таъсирчан хизмат кўрсатиш тизimini шакллантиришга қаратилгани таъкидланди. Депутат маҳалла ҳар бир инсоннинг дарди эшитиладиган, муаммосига тезкор ва амалий ечим топиладиган, давлат билан халқ ўртасидаги мулоқот ва ўзаро ишончни мустаҳкамлайдиган муҳим ижтимоий институт бўлиши лозимлигини қайд этди.

Шундан сўнг аҳоли томонидан кўтарилган муурожаатларга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, “Ал-Хоразмий” маҳалласида электр энергияси таъминотидаги узиллишлар билан боғлиқ муаммо мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирокида ўрганилиб, муаммони бартараф этиш бўйича амалий чоралар белгиланди.

“Бўстон” маҳалласида эса фуқаролар билдирган тақлиф ва муурожаатларни тегишли тартибда кўриб чиқиш, аниқланган масалаларга ечим то-



пиш юзасидан масъуллар билан зарур чоралар кўрилди. Уларнинг ижросини таъминлаш депутатлик назоратига олинди.

Мулоқотлар чоғида аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантириш, энг муҳими, инсон қадрини улуғлашга қаратилган ислохотларнинг жойлардаги амалий натижадорлиги юзасидан фикр алмашилди.

ДЕПУТАТ НАЗОРАТИ: МУРОЖААТДАН АМАЛИЙ ЕЧИМ САРИ

Аслида халқ ишончини қозонишнинг энг қисқа йўли ҳам шу – одамларни эшитиш, муаммоларига амалий ечим топиш. Чунки кўп ҳолларда инсон муаммосининг оғирлиги уни эшитадиган одам топилаётган бўлади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Манзура Салимова Фарғона шаҳридаги “Гулзор” ва “Ифтихор” маҳаллаларида аҳолининг муаммоларига ечим излади.

Худудларни ободонлаштириш, экологик хавфсизлиқни таъминлаш, ирригация тизимини яхшилаш, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш ҳамда эҳтиёжманд фуқароларга амалий кўмак кўрсатиш билан боғлиқ масалалар депутат эътиборида бўлди.

“Ифтихор” маҳалласи фаоллари ва нурунийлар билан ўтказилган мулоқотда ҳудуд ободлиги ҳамда аҳоли турмуш шароитини яхшилашга доир долзарб тақлифлар ўртага ташланди.

Хусусан, аҳоли томоқчалари, маҳалладаги хиёбонлар, гулзор ва боғларни сўғориш учун сув билан таъминлаш, ирригация тармоқларини тар-



тибга келтириш, нурунийлар учун “Оталар чойхонаси”ни барпо этиш ҳамда ёшларга мўлжалланган замонавий спорт майдончасини қуриш масалалари атрофлича муҳокама қилинди.



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатларининг ҳар ойида ўрганишлари ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Бундай ўрганишлар келгусида ҳам жадал давом эттирилади.

Маҳалла вакилларининг фикр ва тақлифларини тинглаб, уларни ҳал этиш механизмлари юзасидан мутасадди ташкилотлар раҳбарлари билан учрашди. Хусусан, Сирдарё – Сўх ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси раҳбари сўғориш билан боғлиқ муаммони жойида ўрганиш ва ижобий ҳал этиш мақсадида маҳаллага ишчи гуруҳ юборилишини билдирди.

Кун давомидаги ўрганиш ишлари хонадонбай тартибда давом эттирилди. Депутат Раъно Тошпўлатованинг хонадонда бўлиб, унинг яшаш шароити ва саломатлиги билан қизиқди. Мустақил ҳаракатланишга қийналаётган ва доимий равишда ўзгалар кўмагига муҳтож фуқаро ногиронлик гуруҳини белгилаш ва расмийлаштириш масаласида ёрдам сўради. Фуқарога амалдаги қонунчиликда белгиланган ҳуқуқий меъёрлар ва тартиб-таомиллар тушунтирилди. Шунингдек, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимоя соҳаси мутасаддилари билан боғланиб, зарур ҳуқуқий ҳамда амалий кўмак кўрсатиш чоралари белгиланган бўлди.

МАҲАЛЛАДАН МАРКАЗГАЧА: ЯҲОНА АХБОРОТ ТИЗИМИ ЗАРУР

Мамлакатимизда маҳалла бошқаруви, ижтимоий ҳимоя, бандлик ва коммунал хизматлар соҳаларида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Бироқ худудлардаги ўрганишлар айрим ҳуқуқий меъёр ва тартиб-таомилларни амалиёт эҳтиёжларидан келиб чиқиб такомиллаштириш заруратини кўрсатмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Мақсуд Қўрбонбоевнинг Бухоро туманида олиб борган ўрганишлари ҳам электр таъминоти, маҳалла бошқаруви ва ижтимоий ҳимоя соҳаларида ечимини қўлаётган муаммоларни юзага чиқарди.

Туман электр тармоқлари корхонасида кўтарилган масала бир қарашда техник хусусиятга эгадек туюлади. Аслида эса у қўллаб оилаларнинг кундалик турмуши ва қонуний манфаатларига беvosита дахл қилади.

Амалдаги тартибга кўра, кадастр ҳужжати расмийлаштирилмаган уй-жойларга электр ҳисоблаги ўрнатилганда чекловлар мавжуд. Натижада уй-жойини қонунийлаштириш жараёни қўзғилаётган фуқаролар электр энергиясидан белгиланган тартибда фойдаланишда қийинчиликларга дуч келмоқда.

Бундай вазият айрим ҳолларда ноқонуний улаштирилган, электр энергияси йўқотишлари ва таъминотчи корхона билан истеъмолчи ўртасида низолар келиб чиқишига замин яратди. Демак, муаммони бартараф этиши лозим бўлган чеклов амалиётда уни янада мураккаблаштириши мумкин.

Масаланинг моҳияти фақат электр ҳисоблагичи ўрнатилишида эмас. Асосий муаммо мулк ҳуқуқини расмийлаштириш ва кадастр ҳужжатларини тайёрлаш жараёнининг мураккаб ҳамда узок давом этаётганидир.

Шу боис кадастрлаштириш жараёнида бўлган уй-жойларни электр таъминотида қонуний асосда вақтинча улаш имконини берувчи ҳуқуқий механизмларни ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ. Бундай ёндашув фуқароларга қонуний ечим тақдим этиш билан бирга, электр энергияси ҳисобини юритиш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш ва техник хавфсизлиқни таъминлашга ҳам хизмат қилади.

Галаасиё маҳалласидаги мулоқотларда эса маҳалла ходимларининг иш юкламаси билан боғлиқ яна бир долзарб масала кўтарилди. Бугун улар бир вақтнинг ўзида бир нечта электрон платформа ва ахборот базасида ишлашга мажбур бўлмоқда. Бир хил маълумотнинг турли тизимларга қайта-қайта киритилиши эса вақт ва инсон ресурсларининг самарасиз сарфланишига олиб келмоқда.

Рақамлаштиришдан қўзланган асосий мақсад иш жараёнларини соддалаштириш, қўғозбозлик ва бюрократик тўсиқларни камайтиришдан иборат. Аммо электрон тизимлар ўзаро интеграция қилин-

маган шароитда рақамлаштиришнинг ўзи қўшимча маъмурий юкламага айланиб қолиши мумкин.

Маҳалла ходими асосий вақтини компьютер қаршида такрорий маълумот киритишга эмас, аҳоли билан ишлаш, хонадонлардаги ҳолатни ўрганиш ва муурожаатларга ечим топишга сарфлаши керак. Шу нуқтаи назардан, мавжуд платформаларни ўзаро боғлаш, маълумотларни бир марта киритиш таъйинини жорий этиш ва ягона интеграциялашган ахборот тизимини шакллантириш энди шунчаки қулайлик эмас, балки амалий заруратдир.



НАВБАТ БОР, АДОЛАТ-ЧИ?

2026 йил 16 июль куни “Anhor.uz” интернет нашрида Тошкент шаҳрида истикомат қилувчи, ногиронлиги бўлган фуқаро Ирина Жўраеванинг муурожаати эълон қилинди. Унда қайд этилишича, фуқаро 2019 йилдан буён давлат уй-жойи олиш учун навбатда турибди, ўтган давр мобайнида эса унинг навбати 26-ўридан атиги 16-ўрига силжиган. Мазкур ҳолат жамоатчилик вакиллари қаторида депутатда ҳам ижтимоий уй-жой фонднинг етарлилиги ва уни тақсимлаш жараёнининг очиклиги юзасидан қатор саволларни келтириб чиқарди.

Шу муносабат билан Гулрух Агзамова депутатлик сўровида Тошкент шаҳар ҳокимидан қуйидаги масалалар бўйича асослантирилган маълумот тақдим этишни сўраган:

- Тошкент шаҳрида давлат уй-жой фонди ҳисобидан ижтимоий уй-жой олиш учун навбатда турган фуқароларнинг тоифалар кесимида таъминланиш ҳолати;

- давлат уй-жой фондини кенгайтириш, ижтимоий уй-жойлар сонини қўлайлаштириш ва эҳтиёжманд аҳолини турар жой билан таъминлаш борасидаги муаммолар ҳамда уларни ҳал этиш юзасидан кўрилатган чора-тадбирлар;

- уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож фуқароларга давлат уй-жой фондидан уй-жой ажратиш жараёнини рақамлаштириш ва идоралараро электрон тизимларни интеграция қилиш бўйича амалга оширилган ишлар;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг муносиб яшаш шароитларини, жумладан уй-жойга бўлган эҳтиёжини қондиришни таъминлаш борасида келгусида амалга ошириладиган аниқ режалар.

Депутат “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида”ги Конституциявий қонуннинг 12-моддаси ҳамда “Парламент назорати тўғрисида”ги қонуннинг 15-моддасига мувофиқ, кўтарилган масалалар юзасидан ўн кун муддатда асослантирилган тушунтириш ва расмий муносабат тақдим этилишини сўраган.

Худудлардан хабарлар



“ГУЛПИЁН” АСФАЛЬТЛАШТИРИЛДИ

Аввал хабар берганимиздек, март ойи якунида Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси ишчи гуруҳи Фарғона вилоятининг чегараолди худудларида ижтимоий-инфратузилмaviй муаммоларни ўрганишга эди.

Жумладан, Фарғона туманидаги ўзбек, қирғиз ва тожик миллатига мансуб ватандошларимиз яшаб келаётган “Гулпиён” маҳалласидаги ички йўлларнинг аб-гор ҳолати ишчи гуруҳ эътиборида бўлган.

Маҳалла аҳли ички йўлларни таъмирлаш учун 1 миллиард 647 миллион сўмлик лойиҳа киритган бўлса-да, чегараолди худудиди алоқа ва интернет сифати пастлиги сабабли етарли овоз тўплай олишмаган ва лойиҳа ғолиблар қаторидан жой олмай қолган. Худуддаги ҳақиқий ҳолат таҳлил қилиниб, маҳалла аҳлининг муурожаатлари инобатга олинди ва лойиҳани молиялаштириш бўйича амалий чоралар кўрилди.

Мазкур лойиҳани амалга ошириш учун 1 миллиард 647 миллион сўм маблағ йўналтирилди. Ички йўлларда асфальтлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилгани натижасида маҳалладаги юзлаб хонадонлар, айниқса, 36- ва 50-умумтаълим мактабларига қатновчи ўқувчилар учун хавфсиз ва қулай ҳаракатланиш имконияти яратилди.

Фарғона вилояти кенгаши матбуот хизмати

ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНМОҚДА



Аҳолини тоза ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш, ҳудудларда муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини такомиллаштириш ҳамда фуқаролар турмуш фаровонлигини юксалтиришга қаратилган ишлар Бухоро туманида ҳам изчил давом этмоқда.

Халқ депутатлари туман Кенгаши депутати Санжар Майдонов ташаббуси билан “Новметан” ва “Кунжикалъя” маҳаллалари аҳолисини сифатли ичимлик суви билан таъминлашга қаратилган йирик лойиҳа амалга оширилмоқда. Лойиҳани самарали ташкил этиш мақсадида туман кенгаши қотибати мудир, депутат Суннатилло Самидов ҳамда Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси туман бўлими бошлиғи Ш.Тошев иштирокида қурилиш ишлари қўздан кечирилди.

Ўрганиш жараёнида қурилиш-монтаж ишларининг сифати, белгиланган муддатларга амал қилиниши ҳамда аҳоли манфаатларини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, мазкур лойиҳанинг сифатли ва ўз вақтида якунланиши депутатларнинг доимий назоратида бўлади.

Бу каби эзгу ташаббуслар аҳоли фаровонлигини ошириш, инсон қадрини улуғлаш ва худудларни комплекс ривожлантиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Бухоро вилояти кенгаши матбуот хизмати



Миршкор заминдаги ҚАРДОШЛАРНИНГ ДЎСТЛИК ТАНТАНАСИ



Бағрикенглик ва меҳр-оқибат халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий қадриятдир. Табиатан олижаноб эл-юртимиз тарихнинг энг суронли даврларида ҳам ўзга миллат вакиллариغا елкадош бўла олган. Хусусан, Иккинчи жаҳон уруши йилларида ҳамда шўролар замонида қатағону қувғинга учраган минг-минглаб инсонларга ўзбек хонадонлари бағрини очди, бир бурда нонини улар билан баҳам кўрди.

**Нодира ЖАНИБЕКОВА,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
“Адолат” СДП фракцияси аъзоси,
Сирдарё вилояти Қирғиз миллий маданий
маркази раҳбари**

Шарқона лутф ва юксак инсонийликдан баҳраманд бўлган корейс, немис, турк, поляк, қрим-татар ва бошқа кўплаб миллат вакиллари мана шу заминда қўним топди, қаддини тиклади. Уларнинг зурриёдлари шу тупроқда туғилиб, вояга етди, илм ва касб эгаллаб, юртимизнинг обрўли инсонларига айланди. Синовли кўнлар халқимизнинг бағрикенглик борасидаги минг йиллик аънаваларини янада яққол намоён этди.

Миллий қонунчилигимизда ҳам ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатлари кафолатланган. Барчанинг замонавий таълим олиши, ўз лаёқати бўйича касб-хунар эгаллаши, ўз миллий ма-

данияти, урф-одат ва аънаваларини асраб-авайлаши учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратилган. Ҳеч бир миллат вакили эътибордан четда эмас — улар давлат бошқаруви, иқтисодий-ижтимоий ҳамда маданий жараёнларда фаол ва эркин иштирок этмоқда.

Юртимизда миллатлараро тотувлик ва бағрикенглик муҳитини мустақамлашда миллий маданий марказлар алоҳида аҳамиятга эга. Улар турли элатларнинг бой тарихи, она тили, санъати ва қадриятларини асраб-авайлаб, авлоддан-авлодга етказувчи маънавий кўприқдир. Мазкур марказлар орқали жамиятда ҳар бир миллатнинг бетақорро фоль-

лори, хунармандчилиги, миллий байрамлари ва аънаваларини қайта тиклаш ва ривожлантириш, ёш авлод қалбига ўз миллий қадриятларига ҳурмат билан бирга, умуминсоний қадриятлар ва бошқа миллат вакиллари бағрикенглик туйғусини синдириш, хориждаги ватандошлар ҳамда қўшни қардош халқлар билан маданий-гуманитар алоқаларни жипслаштириш, юртимизнинг дўстона қиёфасини халқаро майдонда намоён этиш каби муҳим вазифалар амалга оширилмоқда.

Қувонарлиси, сўнгги йилларда давлатимиз раҳбарининг қатъий сиёсий иродаси туфайли минтақамиздаги қардош давлатлар ўртасидаги алоқалар мутлақо янги босқичга кўтарилди. Дунё сиёсатида пайдо бўлган “Марказий Осиё руҳи” ибораси ва реал воқелиги барчамизнинг умумий ютуғимиздир. Бунинг ёрқин исботи сифатида, Ўзбекистон, Қирғизистон ва Тожикистон чегаралари туташган нуктада мухташам “Дўстлик” стеласи ўрнатилганини фахр билан тилга оламиз. Бу рамзий обида халқларимиз ўрта-

Айни кунларда халқимиз энг улуғ ва энг азиз айём — Ватанимиз мустақиллигининг навбатдаги қутлуғ шодиёнасига катта тайёргарлик кўришмоқда. Биз, шу муқаддас заминда яшайтган барча миллат ва элат вакиллари, ягона онанинг фарзандлари сифатида истиқлол байрамини юксак кўтаринкилик, бағрикенглик ва ўзаро ҳамжиҳатлик руҳида кенг нишонлашни мақсад қилганимиз. Зеро, юртимиздаги тинчлик, аҳил-иноқлик энг буюк бойлигимиздир.



сидаги азалий яхши қўшничилик ва стратегик шериклик муносабатлари қанчалик мустақамланиб бораётганидан далолат беради.

Умумий мақсадлар ижросини таъминлашда Сирдарё вилояти Қирғиз миллий маданий маркази ҳам тизимли ва кўламли ишларни амалга ошириб келмоқда. Бугун вилоятимизда ҳам 70 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшайди.

Марказимиз томонидан ташкил этилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий тадбирлар эса Сирдарёда дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини янада мустақамлашга ҳисса қўшмоқда. Хусусан, доимий равишда ўтказиб келинаётган “Оқ қалпоқ” байрам тадбири, миллий либослар ва таомлар кўргазмалари ҳамда танловлари қирғиз халқининг бой маданияти, урф-одатлари ва пазандачилик санъатини кенг жамоатчиликка намоиш этишга хизмат қилмоқда.

“Қадриятлар боқий бўлсин”, “Миллий қадриятлар — бебаҳо бойлигимиз” мавзусидаги давра суҳбатлари ҳамда дунёга машҳур адиб Чингиз Айтматовнинг адабий меросига бағишланган семинарлар, “Миллатлар дўстлиги — абадий” адабий-бадий кечалари ёш авлодни бағрикенглик ва адабиётга меҳр руҳида тарбияламоқда. Бундан ташқари, муқаддас Қўбон хайити байрами муносабати билан ўтказилаётган хайрия тадбирлари, “Жон-жоний” фольклор-этнографик ансамблининг тадбирлардаги чиқишлари аҳолига байрам кайфиятини улашиб, меҳр-оқибат ришталарини мустақамламоқда.

Марказда, шунингдек, “Мустақам оила — жамият таянчи” мавзусида оилавий қадриятларни муҳофаза қилишга қаратилган мулоқотлар ҳам мунтазам йўлга қўйилган. Аъзоларимиз эса нафақат маданий, балки ижтимоий ва экологик лойиҳаларда ҳам фаол. Ёшлар ўртасида шахмат ва шашка бўйича вилоят биринчиликлари ўтказилаётган бўлса, “Яшил макон” умумимиллий лойиҳаси доирасида марказ фаоллари томонидан юзлаб манзарали ва мевали даракт ҳамда гул кўчатлари экилиб, ҳудудлар ободончилигига муносиб ҳисса қўшилмоқда.

Худудлардан хабарлар

ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИ ТАЪМИРЛАШ ЭЪТИБОРДА

Янги ўқув йилига Асакадаги бир қатор мактаб ва мактабгача таълим муассасалари ўзгача қиёфага кирмоқда, қурувчилар томонидан ҳам таъмирлаш ишлари жадал амалга оширилмоқда.

Савол туғилади: қурилиш ва таъмирлаш ишлари талаб даражасидами? Давлатимиз томонидан ажратилган маблағлар ўз ўрнида мақсадли сарфланяптими?

Халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати Насиббахон Тўйчиева бошчилигида “Адолат” СДПдан сайланган Асака туман Кенгаши депутатлари юқоридagi саволларга жавоб топиш мақсадида таълим муассасаларида бўлдилар.

Тумандаги 16-сонли давлат мактабгача таълим ташкилотидида қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланганига кўп бўлгани йўқ. Қурувчиларнинг масъулиятчилиги режадаги ишларнинг ўз вақтида ва сифатли бажарилишига олиб келмоқда. Лойиҳа ва қурилиш меъёрларига алоҳида эътибор қаратиляпти.

Халқ вакиллари пудратчи ташкилот жамоаси билан учрашиб, мазкур муассаса мустақиллигимизнинг 35 йиллигига болажонлар учун муносиб совға бўлишини қайд этдилар. Бажарилган ишлар кўнгилдагидек. Бироқ камчиликлар ҳам йўқ эмас. Масъуллар олдида аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш вазифаси қўйилди.

Тумандаги 43- ва 36-мактабларда амалга оширилаётган таъмирлаш ишлари ҳам халқ вакиллари томонидан ўрганилди. Ҳар икки муассасада иш қизғин бормоқда.

— Қурувчилар олдида сифат масаласида масъулиятни ошириш вазифаси қўйилди, — дейди депутат Н.Тўйчиева. — Бу борада кўзбўямачилик кечирилмайди. Худуддаги МФЙ фаоллари ва ота-оналардан иборат ишчи гуруҳи таъмирлаш ишлари якунлангунга қадар назорат олиб боришлари белгиланди. Бир сўз билан айтганда, жамоатчилик назорати масъулиятни оширди, таъмирлаш ишлари жонланди.

Андижон вилоят кенгаши матбуот хизмати

МУАММОЛАРГА ҚАЧОН ЕЧИМ ТОПИЛАДИ

**Биносиз ишлаётган маҳалла фаоллари...
Ишламайдиган кузатув камералари...**

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши депутати Франгиза Акрамова томонидан Олмазор туманидаги “Мустақил юрт” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳолини қийнаб келаётган муаммоларни ўрганиш, уларнинг ечимини топиш ҳамда фуқаролар билан очиқ мулоқотни йўлга қўйиш мақсадида ўрганиш ишлари амалга оширилди.



Ўрганиш давомида маҳалла раиси, “маҳалла еттилиги” вакиллари, нурунийлар ҳамда фуқаролар билан учрашув ўтказилиб, ҳудуддаги мавжуд муаммолар атрофида муҳокама қилинди. Хусусан, “Мустақил юрт” маҳалла фуқаролар йиғини икки йилдан буён ўзининг маъмурий биносига эга эмаслиги сабабли маҳалла ходимлари вақтинча 15-сонли умумтаълим мактабидида фаолият юритаётгани маълум қилинди.

Маҳалла фаоллари томонидан тақдим этилган далолатномада қайд этилишича, ходимлар мактабнинг ўқитувчилар хонасида ишлашга мажбур бўлиб, таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани сабабли бино ичидидаги бўёқ ҳиди ҳамда иш шaroитларининг талаб даражасида эмаслиги уларнинг меҳнат фаолияти ва саломатлигига салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга, маҳалла фуқаролар йиғинининг алоҳида биноси мавжуд эмаслиги сабабли фуқаролар қабули, йиғилишлар, профилактика учрашувлар ва бошқа жамоатчилик тадбирларини ўз вақтида ташкил этишда қатор қийинчиликлар юзга келаётгани, бу эса аҳоли эътирозиди ва норозиликлари сабаб бўлаётгани таъкидланди. Маҳалла фаоллари томонидан аввал фойдаланилган маҳалла идорасини тиклаш ёки янги маъмурий бино билан таъмирлаш масаласи юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш зарурлиги билдирилди.

Ўрганиш давомида ҳудуддаги видеокузатув камераларининг ишламаётгани ҳам алоҳида қўриб чиқилди. Мазкур ҳолат жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатаётгани қайд этилди. Шунингдек, маҳаллада суғориш тизими учун зарур бўлган артезиан қудуғи(скважина) мавжуд эмаслиги сабабли яшил ҳудудларни парваришлаш ва ободонлаштириш ишларида ҳам муаммолар юзга келаётгани аниқланди.

Учрашув давомида фуқаролар ва маҳалла фаоллари томонидан билдирилган барча муурожаат ҳамда тақлифлар депутат томонидан қайд этилиб, уларнинг ҳар бири алоҳида назоратга олинди. Маҳалла биноси билан боғлиқ артезиан қудуғи(скважина) мавжуд эмаслиги сабабли яшил ҳудудларни парваришлаш ва ободонлаштириш ишларида ҳам муаммолар юзга келаётгани аниқланди.

Шунингдек, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши режалаштирилаётган масалалар сессияда тартибидида жойига чиқиб ўрганилди. Ўрганиш давомида аниқланган муаммо ва тақлифлар умумлаштирилиб, уларни сессия муҳокамасига киритиш ҳамда тегишли амалий чоралар қўриш учун халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгаши котибиятига тақдим этиш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилди.

Тошкент шаҳар кенгаши матбуот хизмати

СОЦИАЛ-
ДЕМОКРАТИК
ҲОЯЛАР
ЁТАКЧИЛАРИ

НАТОДА барчани қизиқтирган АЁЛ КИМ?

Исландия тарихидаги энг ёш Бош вазир, 36 ёшидаёқ мамлакат бошқарувини қўлга олган сиёсатчи, болалигида поп қўшиқчиси бўлишни орзу қилган, сиёсатчи сифатида Гиннесснинг рекордлар китобига кирган ҳамда Европа тақдирини ҳал қиладиган тадбирда нутқ сўзлаганидан кейин Instagram'даги обуначилари сони қарийб 15 баробарга ошган Исландия Бош вазир Криструн Фростадоуттир қандай қилиб дунёга машҳур бўлди?

Криструн Фростадоуттир 2026 йилнинг 7–8 июль кунлари Туркиянинг Анқара шаҳрида бўлиб ўтган НАТОнинг 36-саммитидан кейин ижтимоий тармоқларда энг кўп муҳокама қилинган шахслардан бири бўлди. Саммитдан олинган сурат ва видеолар кенг тарқалиши ортидан кўплаб фойдаланувчилар “Бу аёл ким?” деган савол билан унинг шахсига қизиқиш билдира бошлади.

**Зарнигор
ХУДОЙБЕРДИЕВА,
журналист**

КРИСТРУН ФРОСТАДОУТТИР КИМ?

Криструн Фростадоуттир 1988 йил 12 май кунин Исландия пойтахти Рейкьявик шаҳрида туғилган. Унинг отаси ёзувчи ва этнограф, онаси эса шифокор. Исландия университетида иқтисод бўйича бакалавр даражасини олган, кейинчалик АҚШнинг Бостон университетида иқтисод бўйича магистр, Йель университетида эса халқаро муносабатлар ва давлат бошқаруви йўналишида яна магистрликни тамомлаган.

Криструн Фростадоуттир турмуш қурган ва икки фарзандни тарбияламоқда. Уларнинг катта қизи Мария Хердис 2019 йилда, кенжа қизи Рагнхилдур Стейнунн эса 2023 йилда дунёга келган.

ИҚТИСОДЧИДАН БОШ ВАЗИРГАЧА

Сиёсатга киришидан олдин Криструн Фростадоуттир иқтисодчи ва молиявий таҳлилчи сифатида фаолият юритган. У 2017–2018 йилларда Morgan Stanley инвестиция банкининг Лондондаги офисидида ишлаган. Шундан сўнг 2018–2021 йилларда Исландия Савдо палатасида бош иқтисодчи, 2021 йилда эса парламент сайловлари олдида қисқа муддат Kvika Bank бош иқтисодчиси бўлган.

Иқтисодиёт, инфляция ва молия бозорларига оид таҳлиллари билан телевидение ва оммавий ахборот воситаларида мунтазам чиқиш қилгани сабабли, у сиёсатга киришидан аввал ҳам Исландияда машҳур иқтисодчи сифатида танилган.

2021 йил 25 сентябрда Рейкьявик жанубий сайлов округидан Альтинг (Исландия парламенти) депутаты этиб сайланган Фростадоуттир ордан бир йил ўтиб, 2022 йил 28 октябрда Социал-демократик партияси альянсини раисига айланди. Маълумот учун: Альтинг Исландиянинг бир палатали парламенти бўлиб, мамлакатнинг олий қонун чиқарувчи органи ҳисобланади.

2024 йил 30 ноябрдаги муддатидан олдинги парламент сайловларида унинг партияси ғолиблар қаторидан жой олди ва ҳукумат тузди. 2024 йил 21 декабрь кунин Президент Халла Томасдоуттир янги ҳукуматни тасдиқлагач, Фростадоуттир 36 ёшида Исландия тарихидаги энг ёш Бош вазир сифатида лавозимга киришган.

2025 йил февраль ойида “Guinness World Records” уни дунёдаги энг ёш амалдаги ҳукумат раҳбари сифатида қайд этган.

ЕВРОПА ИТТИФОКИ ВА НАТО БҲИЙЧА ҚАРАШЛАРИ

Европа Иттифоқи масаласида ҳам у аввалги ҳукуматлардан фарқи позицияни эгаллайди. Унинг фикрича, Исландия Европа билан яқин ҳамкорлик қилиши керак.

2025 йил апрель ойида Euronews телеканалига берган интервьюсида Фростадоуттир Бош вазирликка келгач, халқаро сиёсат унинг фаолиятида қўтилганидан ҳам муҳим ўрин эгаллаганини айтган. “Мен сайлов кампаниясида эътиборимни асосан ички масалалар – уй-жой, иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсатга қаратган эдим. Аммо бу лавозимга келганингизда халқаро сиёсатнинг ўзи ҳаётингизга кириб келади”, деган у.

НАТО масаласида эса Фростадо-

рашувлар билан бир қаторда кундалик ҳаётдан ҳам лавҳалар улашиб туради. Масалан, яқинда у янги соч турмаги билан тушган суратини жойлаштирди.

“Сочимни олдиришга ҳам улғурибман. Аммо ҳаёлим ҳали ҳам кўплаб муҳим давлат масалалари билан банд. Вестман оролларида транспорт қатновидида жиддий муаммоларни ҳал қилиш устида ишляпмиз. Шу масала бўйича иқтисодий кенгаш йиғилишини чақирдим. Унда дав-

қураман. Эрталаб жуда эрта уйғонаман, болаларим уйғонишидан олдин ҳукумат йиғилишларига тайёргарлик қураман. Кейин уларни боғча ва мактабга тайёрлайман ва имконим қадар ҳафтасига бир неча марта ўзим олиб бораман”, деган у.

Фростадоуттир бўш вақтини асосан оиласи билан ўтказишни афзал қўлади.

“Мен деярли иш, турмуш ўртоғим ва болаларимдан бошқа нарса билан шугулланмайман. Турмуш ўртоғим менга энг яқин дўстим”, дея таъкидлаган Фростадоуттир.

КРИСТРУН ФРОСТАДОУТТИР НИМАЛАРНИ ЁҚИРАДИ?

Криструн Фростадоуттир сиёсий фаолиятидан ташқари оддий ҳаёт тарзини афзал қўришини айтади. Исландиянинг “Feukir” нашрига берган савол-жавобда у уйидаги энг сеvimли жой меҳмонхонадаги диван эканини айтган.

“Уйимдаги энг сеvimли жой – меҳмонхонадаги диван. Жимжитликни



уттир хавфсизлиқни фақат ҳарбий куч билан ўлчаб бўлмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрича, кучли иқтисодиёт, демократик институтлар ва жамиятнинг барқарорлиги ҳам миллий хавфсизлиқнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Анқарадаги НАТО саммитидан кейин Instagram саҳифасида Фростадоуттир альянсинг келажаги ҳақида ҳам фикр билдирган.

“Шимолӣ Атлантика иттифоқи (НАТО) ўзгариб бормоқда. Энди Европа кўпроқ масъулиятни ўз зиммасига олмақда. Бу ижобий ҳолат. НАТО ҳеч қачон бугунгидек йирик ва кучли бўлмаган. Мен Исландия бундан кейин ҳам ишончли иттифоқчи бўлиб қолиши ва ўз ҳиссасини қўлишида давом этишини муҳим деб биламан. Бугун Анқарада бўлиб ўтган НАТО саммитида айнан шундай руҳ ва яқдллик ҳукм сурди. Бош вазир сифатида мен ҳар бир имкониятдан фойдаланиб, Исландиянинг манфаатлари ва позициясини илгари сураман. Шу боис энг яқин иттифоқчиларимиз раҳбарлари билан яхши муносабатларни сақлаш жуда муҳим”, деб ёзган у.

ИЖТимоий ТАРМОҚЛАРДА ҚАНДАЙ ҚУРНАДИ?

Криструн Фростадоуттир ижтимоий тармоқларда ҳам фаол. “Facebook” ва “Instagram” саҳифаларида расмий уч-

лат бюджети режаси ва иқтисодиётдаги вазият муҳокама қилинди.

Шунингдек, парламентда ёз маъсумида дизель ва бензин нархини пасайтиришга қаратилган қонун лойиҳаси кўриб чиқилади. Ҳукумат сайланган мансабдор шахслар ва юқори лавозимли амалдорларнинг иш ҳақини тартибга солувчи янги тизимни ҳам тақдир қилди.

Рейкьявида 2017 йилдан буён илк бор давлат ерларида 1 400 та янги уй-жой қурилиши бўйича узоқ муддатли келишувга эришилди. Уларнинг қамиди 30 фоиз арзон нархдаги ёки нотийжорат уй-жойлардан иборат бўлади. Давлат ва маҳаллий ҳокимиятлар биргалликда ҳаракат қилса, катта натижаларга эришиш мумкин. Парламентдаги ишлар ҳам яхши кетмоқда ва келаси ҳафта маҳаллий сайловларга эътибор қаратилиши”, деб ёзган у “Instagram”даги саҳифасида.

Бу унинг иш фаолияти билан шахсий ҳаётини уйғун тарзда ёритишга ҳаракат қилишини кўрсатади.

Криструн Фростадоуттир 2025 йил сентябрь ойида Исландиянинг Krattinn подкастига берган интервьюсида оиласи унинг ҳаётидаги энг катта таянч эканини айтган.

“Мен деярли ҳар доим кечки овқатни уйда ейман. Агар кечки овқат еттигача қандайдир тадбир бўлмаса, мен уйда бўлишни афзал

якши қураман. Машинада ёлғиз кетаётганимда ҳам радиони ёқмайман”, деган у.

Фростадоуттир ошхонада вақт ўтказишни ҳам ёқтиради. Уша интервьюда ундан энг сеvimли буюми ҳақида сўралганда, у ҳазил аралаш шундай жавоб берган:

“Янги панккей товам. Энди панккейни анча яхши пиширадиган бўлиб қолдим”, деган Исландия Бош вазир.

2024 йил апрель ойида Einkalfið подкастига берган интервьюсида эса ўзини интроверт инсон сифатида таърифлаган.

“Мен интровертман. Болалигимда жуда тортинчоқ эдим. Ёлғиз ёки кичик даврада бўлиш менга ёқади”, деган у.

Фростадоуттирнинг айтишича, болалигида оиласи билан бир муддат Буюк Британияда яшагани унинг характериға ижобий таъсир кўрсатган ва уни янада очикрок инсонға айлантирган. Яна бир қизиқ жиҳати шундаки, у болалигида келажақда сиёсатчи эмас, аввал муҳандис, кейинчалик эса поп қўшиқчиси ва қўшиқ муаллифи бўлишни орзу қилганини ҳам яширмаган.

Бош вазирнинг Анқарадаги НАТО саммити ортидан машҳурлашиши тасодиф эмас. Ёши, сиёсий тажрибаси, оилавий ҳаёти ва замонавий қарашлари уни нафақат Исландияда, балки халқаро майдонда ҳам эътиборли шахсға айлантирди.

Иновация



ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ва юқори самарадорлик уйғунлиги

Бугунги кунда “Олмалиқ кон-металлургия комбинати” АЖ томонидан амалга оширилаётган энг йирик инвестиция лойиҳаларидан бири бўлган 3-Мис бойитиш фабрикаси мамлакатимиз кон-металлургия саноатини янги босқичга олиб чиқмоқда. Замонавий технологиялар, рақамлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнлари ва юқори унумдор ускуналар билан жиҳозланган мазкур корхона нафақат Ўзбекистон, балки Марказий Осиёдаги энг йирик бойитиш фабрикаларидан бири сифатида эътироф этилмоқда.

Ойбек ИСМАТОВ, 3-МБФ Ишлаб чиқариш техник бўлими бошлиғи

Фабриканинг лойиҳавий қуввати йилига 60 миллион тонна маъдани қабул қилиш ва қайта ишлашни ташкил этади. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажминини сезиларли даражада ошириш, экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш ва мамлакат иқтисодиётига қўшимча юқори қиймат яратиш имконини беради. Корхонада ишлаб чиқариш жараёнлари энергия тежамкор технологиялар, рақамли мониторинг ва автоматлаштирилган бошқарув тизимлари асосида ташкил этилган бўлиб, экологик хавфсизлик ҳамда барқарор ривожланиш тамойилларига алоҳида эътибор қаратилган.

Маъдани қайта ишлаш жараёни маъдани қайта тайёрлаш корпусидан бошланади. Бу ерда руда сувли ғалвирлаш технологияси ёрдамида сараланиб, -6 миллиметрдан кичик ўлчамдаги бўлган маҳсулот кейинги янчиш босқичига юборилади. Бундан ёндашув технологик жараёнларнинг самарадорлигини ошириш, энергия сарфини қисқартириш ва асосий ускуналарнинг иш унумдорлигини янада юксалтиришга хизмат қилади.

Янчиш жараёнининг асосий бўғинини “Уралмашзавод” томонидан ишлаб чиқарилган МСХС 7,3х13,0 русумли шарли тегирмонлар ташкил этади. Лойиҳа доирасида жами 12 та шарли тегирмон ўрнатилган бўлиб, улар маъдан заррчаларининг 80 фоиздан ортигини -74 микрон ва ундан кичик ўлчамгача майдалайди. Бу эса флотация жараёнида мис минералларини юқори даражада ажратиб олиш ва тайёр мис концентрати сифатини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади.

Айни пайтда фабрикада шарли тегирмонларнинг 7 таси муваффақиятли ишга туширилган бўлиб, ҳар бири соатига ўртача 730 тонна руда қайта ишлаш қувватига эга. Шу билан бирга, 8-сонли шарли тегирмонни ишга тушириш ишлари жадал давом эттирилмоқда. Қолган технологик ускуналарни ҳам босқичма-босқич ишга тушириш ишлари хорижий компаниялар мутахассислари ва комбинат муҳандислари ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Бу ишлар якунланганидан сўнг фабрика тўлиқ лойиҳавий қувватда ишлайди.

3-Мис бойитиш фабрикасининг энг муҳим афзалликларидан бири бу ишлаб чиқариш жараёнларининг юқори даражада автоматлаштирилганлиги. Барча шарли тегирмонлар ва технологик ускуналар замонавий сенсорлар, интеллектуал бошқарув шкафлари ҳамда марказлаштирилган диспетчерлик тизими орқали бошқарилади. Бўтананинг зичлиги, сарфи, тегирмон юкламаси, электр энергияси ва сув истеъмоли каби



муҳим технологик кўрсаткичлар реал вақт режимида доимий назорат қилиниб, автоматик таҳлил қилинади. Бу эса жараёнларнинг барқарорлиги, махсулот сифати ва ишлаб чиқариш самарадорлигини юқори даражада таъминлайди.

Шунингдек, фабрикада автоматик шар юклаш, сув сарфини интеллектуал бошқариш, маъдан юкламасини автоматик тартибга солиш ва технологик параметрларни онлайн оптималлаштириш каби рақамли ечимлар жорий этилган. Бу иновациялар инсон омилини камайтириш, ресурслардан оқилона фойдаланиш, энергия тежамкорлигини таъминлаш ва ускуналарнинг ишончлилигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бугун 3-Мис бойитиш фабрикаси нафақат замонавий саноат корхонаси, балки иновациялар, рақамлаштириш ва муҳандислик салоҳияти уйғунлашган юқори технологияли ишлаб чиқариш мажмуасига айланиб бормоқда. Бу ерда жорий этилаётган илгор технологик ечимлар мамлакатимиз кон-металлургия соҳасининг рақобатбардошлигини янада ошириш, миллий иқтисодиётни барқарор ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг халқаро саноат майдонидаги ўрнини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда.

САНГА ФОШ ЭТГАН

“МЕХМОНДЎСТЛИК”

Бир кишининг нафси бутун миллатнинг обрўсига соя солмаслиги керак

Бугун Ўзбекистон туризмни иқтисодиётнинг стратегик тармоқларидан бири сифатида ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. Кейинги йилларда Президент ташаббуси билан соҳада кенг кўламли ислохотлар амалга оширилди: виза тартиб-таомиллари енгиллаштирилди, халқаро авиақатновлар кенгайтирилди, тарихий шаҳарлар ва зиёратгоҳлар обод этилди, янги меҳмонхоналар ва оилавий меҳмон уйлари барпо қилинди, хусусий инвестициялар жалб этилди.

Муҳиддин ОМАД, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Бироқ туризмнинг ҳақиқий муваффақияти фақат инфратузилма ёки қурилган объектлар билан эмас, мамлакат ҳақида шаклландиган ишонч билан баҳоланади. Бу ишонч эса тақсирининг инсофи, сотувчининг ҳалоллиги, официантнинг муомаласи, гиднинг масъулияти ва хизмат кўрсатувчининг виждонида намоён бўлади.

Кейинги кунларда жанубий корейлик 400 мингдан ортиқ кузатувчисига эга сайёҳ-блогер Санга Тошкентда дуч келган бир воқеа ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинмоқда.

Маълум бўлишича, у “Ўзбекистон” меҳмонхонаси яқинидаги дўкондан салқин ичимлик харид қилмоқчи бўлганда, сотувчи маҳсулот учун 90 минг сўм талаб қилган. Нарх сунъий оширилгани билан блогер эътироз билдириб, тортишувлардан сўнг тўлаган маблагини қайтариб олган.

Кейинчалик Санга ушбу ҳолат ҳақидаги видеони ўзининг YouTube саҳифасида эълон қилгач, мазкур воқеани қисқа вақт ичида 700 мингдан ортиқ киши томоша қилди.

Афсуски, бу воқеа мамлакатнинг сайёҳлик имижига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини исботлади. Чиндан ҳам, ҳар бир хориж-

лик меҳмоннинг таассуроти юртимиз ҳақидаги фикрни шакллантиришда муҳим ўрин тутати. Шунинг учун ҳалоллик ва виждонли муносабат нафақат шахсий масъулият, балки мамлакат обрўсини асрашга қўшилган ҳиссадир. Санга (асл исми Sang Hyun Lee) билан боғлиқ ҳолат ижтимоий тармоқларда кенг муҳокама қилинди. Бу воқеа бир ҳақиқатни яна бир бор эслати: рақамли технологиялар даврида бир туристни алдаш энди фақат бир инсонни эмас, бутун мамлакат имижини зарарга учратиш демакдир. Бир дақиқалик видео ёки битта танқидий пост йиллаб олиб борилган тарғибот ишларининг самарасини сусайтириши мумкин.

Ўзбек халқи азалдан меҳмонни азиз билган. Меҳмоннинг розилигини барака, дуосини давлат деб қабул қилган. Аммо айрим шахслар бу муқаддас қадриятни шахсий манфаат қурбонига айлантирмоқда.

Бугун мамлакатимизнинг тоғли худудлари, дам олиш масканлари ва зиёратгоҳлари минглаб маҳаллий ҳамда хорижий сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Давлат улар учун йўللار қурмоқда, инфратузилмани яхшиламоқда, тадбиркорларга имтиёзлар бермоқда. Ле-

кин айрим худудларда автотураргоҳ, қайиқ хизмати, аттракционлар, овқатланиш, сувенирлар, ҳатто оддий ичимлик сувига ҳам асоссиз равишда юқори нарх белгиланиши учрамоқда.

Буни бозор иқтисодиёти билан изоҳлаш мумкин эмас. Эркин бозор – очиклик, ҳалол рақобат ва адолатли нарх демакдир. «Мавсумда бир йиллик даромадни қилиб олиш керак», деган қараш қисқа муддатли фойда келтириши мумкин, аммо узоқ муддатда туризмга катта зарар етказиши мумкин.

Замонавий туристнинг танлов имконияти кенг. У Ўзбекистон билан бир қаторда Қозғистон, Қирғизистон, Озарбайжон, Туркия ёки Грузияни танлаши мумкин. У қайси мамлакатда хизмат маданияти юқори, муносабат самимий ва нархлар адолатли бўлса, уша ерга яна қайтади.

Шунинг учун ҳам турист мамлакат ҳақидаги биринчи хулосасини расмий ҳисоботлар асосида эмас, балки кундалик муносабатлар орқали чиқаради. Бир шиша сувнинг асоссиз қиммат сотилиши ёки такси ҳақининг келишилганидан бир неча баробар юқори бўлиши унинг хотирасида тарихий обидалардан ҳам кучлироқ из қолдириши мумкин.

Демак, ҳар бир алдов мамлакат туристик брендига етказилган зарба, ҳар бир инсофсиз хизмат давлатнинг соҳага йўналтираётган сармоялари самарадорлигига путур етказувчи омилдир.

Муаммони ҳал этиш учун туристик худудларда хизматлар нархининг шаффофлигини таъминлаш, мажбурий нархномаларни жорий этиш, истеъмолчилар мурожаатларига тезкор муносабат билдириш ва хизмат сифати устидан жамоатчилик ҳамда давлат назоратини қўллайиш зарур. Инсофсиз хизмат кўрсатувчиларга нисбатан муроасиз чоралар қўрилмас экан, соҳа-



Туризм, аввало, миллат маданиятининг кўзгусидир.

Хорижлик меҳмон халқ маънавиятини музей ёки тарихий обидадан эмас, бозордаги сотувчи, таксичи, кафе ходими ёки меҳмонхона маъмури билан мулоқотда ҳис қилади. Шу маънода уларнинг ҳар бири мамлакатнинг ҳақиқий элчисидир.

даги ислохотлар тўлиқ самара бермайд.

Дунё тажрибаси шуни кўрсатадики, туризм ривожланган мамлакатларда меҳмонни бир марталик мижоз эмас, умрбод қайтиб келади-ган ҳамкор сифатида қадрлашади. Чунки қаноатланган турист – энг кучли реклама, норози турист эса энг таъсирчан антиреклама ҳисобланади.

Туризм, аввало, миллат маданиятининг кўзгусидир. Хорижлик меҳмон халқ маънавиятини музей ёки тарихий обидадан эмас, бозордаги сотувчи, таксичи, кафе ходими ёки меҳмонхона маъмури билан мулоқотда ҳис қилади. Шу маънода уларнинг ҳар бири мамлакатнинг ҳақиқий элчисидир.

Шу боис:
— туристик худудларда ягона ва очик нархлар тизими тўлиқ жорий этилиши;
— истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи рақамли мурожаат платформалари самарали ишлаши;

— маҳаллий Кенгаш депутатлари томонидан хизмат сифати ва нарх-наво сиёсати юзасидан мунтазам депутатлик назорати амалга оширилиши;
— ҳалол хизмат кўрсатувчиларни «Энг ҳалол тадбиркор», «Энг яхши туристик хизмат», «Энг меҳмондўст худуд» каби танловлар орқали рағбатлантириши;
— хизмат кўрсатиш маданияти бўйича доимий ўқув ва малака ошириш тизимини йўлга қўйиш мақсада мувофиқ.

Адолат тушунчаси фақат суд ёки ҳуқуқ соҳаси билан чекланмайди. Адолат бозорда ҳам, таксиди ҳам, кафеда ҳам, дам олиш масканда ҳам қарор топиши керак. Харидорнинг миллати ёки хорижлик эканини баҳона қилиб унга юқори нарх белгилаш нафақат қонунга, балки миллий қадриятларимизга ҳам зиддир.

Санга билан боғлиқ воқеа вақт ўтиши билан унутилиши мумкин. Аммо ундан чиқариладиган сабоқ унутилмаслиги шарт. Яратилаётган имкониятларнинг самараси ҳар бир хизмат кўрсатувчининг инсофи ва виждони билан мустақамланади. Бир туристнинг розилиги юзлаб янги туристларни бошлаб келади. Бир туристнинг норозилиги эса минглаб инсонларнинг танловини ўзгартиради.

Меҳмонни алдашдан топишган бир кунлик даромад ҳалол хизмат тўғрисида келадиган йиллар давомидаги барқарор фойданинг ўрнини боса олмайди. Ишончли йўқотиш осон, уни қайта тиклаш эса ниҳоятда мушкул.

Асрлар давомида шаклланган ўзбек меҳмондўстлиги бизнинг энг катта маънавий бойлигимиздир. Уни асраш, унга доғ туширмаслик ва келажак авлодларга соф ҳолда етказиш эса ҳар биримизнинг фуқаролик бурчимиздир.

Партиядошимиз ижодидан

Айёминг муборак,
мустақил ватан!



**Хайрулло ТУРГУНОВ,
“Адолат” СДП Бувайда
туман кенгаши раиси,
Ўзбекистон халқ маорифи
аълочиси**

Минг шукрлар бўлсин, армонлар йишди,
Мурод-мақсадига етаёттир дил.
Қувонмай бўлурми, ўттиз беш йилки,
Истиқлол завоқидан шодумон кўнгли.
Юрагим ҳаприқиб кетар дафъатан,
Айёминг муборак, мустақил Ватан!

ОНА ҲАЙКАЛИ

(Бувайда туманидаги Пошшопирим қишлоғида Она ҳайкали тикланди)

Йиллар ўтди, кечди не-не замонлар,
Йўқолган оромлар, кечилган қонлар,
Жон олиб, жон бериб ўтилган онлар,
Ҳамма-ҳаммасидан мангу хотира –
Пошшопиримдаги Она ҳайкали.

Ой бориб, омон кел, дея қузатган
Полапон дилбандин жангга узатган,
“Ғалаба ёр бўлсин”, дея сўз айтган
Суронли йиллардан мангу хотира –
Пошшопиримдаги Она ҳайкали

Жигарпорам келар, деб қутган дамлар,
Қора хат келганда босганда ғамлар,
Қон бўлиб ичига ютган аламлар –
Даврдан бир умр мангу хотира –
Пошшопиримдаги Она ҳайкали.

Қўйлаб миллатларга бўлган бошу қош,
Етим-есирларган берган нон-туз, ош.
Барча азобларга бера олган бардош,
Жангу жадаллардан мангу хотира –
Пошшопиримдаги Она ҳайкали.

ЙИЛЛАР ЎТИБ БОРАДИ

Дунё ўткнччи деманг,
Давр ўтиб боради.
Кўёш ботгуччи деманг,
Тонгда чиқиб келади.

Эй яхшилар, ҳеч қачон
Дилга озор берманглар.
Билинг, дилдор банди,
Шамдай сўниб боради.

Ким одилу, халқпарвар,
Савлат тўқиб боради.
Юлчи, муттаҳам, айёр
Элдан қолиб боради.

Кимга насиб истеъод,
Қилсин яхшилик одат.
Билсангиз, яхши-ёмон,
Бирдай ўтиб боради.

Ҳақни ноҳақ деганлар,
Етим ризқин еганлар,
Адашган дайди итдай
Ўзин сотиб боради.

Ким баланду, ким пастда,
Кимда иймон, дил хаста.
Фикр қилу, шукр қил,
Умр ўтиб боради.

ЙЎЛ

Кимга кенг, кимга-чи, тор эрур дунё,
Кимга яхшилигу, кимга ёмонлик.
Яхшилар бор жойда ҳаёт ҳам зебо,
Ёмонлар бор жойда сўлар омонлик.

Разиллар ўрмалаб юрар тилида,
Лабида табассум, кўнгли қоронғу.
Илонлар яшайди улар қалбиди,
Шу боис даҳандан сочилар оғу.

Бир қарра берилар дунёда ҳаёт,
Қаршинда икки йўл турар беғумон.
Ортинда қолажак яхши, ёмон от,
Йўлинг танламоқда адашма инсон.

Яхшилик бобида Жомий сўзи бор:
Тугилдинг эл хандон, сен эса гирён.
Кетар чоғинг, ёддан чиқарма зинҳор,
Халқинг қолсин гирён, сен кетгил хандон.

КИЧИК, аммо жуда катта!



Генри Форд ширкатидаги катта бир лавозимга номзод бўлган икки киши билан бирга овқатланди. Номзодларнинг иккаласи ҳам битта университетни битирган эди. Икковининг ҳам иш тажрибаси деярли бир хил эди.

Улар овқатланиб бўлгач, бирга ошхонадан чиқишди. Генри Форд улардан бирига эртадан келиб ишни бошлаши мумкинлигини, бошқасига эса уэр айтиб, уни ўз командасига оломаслигини айтиди. Шунда ишга олинмаган йигит журъатини тўплаб сўради:

— Уэр сўрайман, битта савол сўрасам бўладими?

— Марҳамат!

— Биз овқатланиш пайтида муҳандислик ҳақида, автомобил ҳақида ёки университет ҳақида гаплашмадик. Умумий гапларни гаплашдик, холос. Дўстимни ишга олиб, мени ишга олмаганингизга сабаб нима?

Генри Форд деди:

— Бунинг иккита сабаби бор:

Биринчиси, дўстинг гўшт бўлагини тотиб кўриб, сўнгра туз селди. Сен эса олдин туз сеппи, сўнгра еб кўрдинг. Мен нарсаларни ўзгартиришдан олдин синиб кўрадиганларни яхши кўраман. Иккинчиси, дўстинг официантга одоб билан муомала қилди. “Раҳмат”, “узр” каби сўзларни ишлатди. Сенинг наздингда эса официант гўё йўқдай эди. Сен фақат менга нисбатан одоб намоён қилдинг. Яхши бошлиқ мансабида турганида яхши таассурот қолдириши лозим. У ҳамма билан гўзал муомалада бўлиши керак!

Кичик ҳатти-ҳаракатлар кўп нарсдан хабар беради. Ўзгаларни таниш учун уларнинг ичига чуқур кириш шарт эмас.

Бироз эътиборли бўлсангиз етади!

Рисолат ҲАЙДАРОВА ижодидан

ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Исрол ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Баҳром АБДУҲАЛИМОВ

Наримон УМАРОВ

Мухаммад АЛИ

Гавҳар АЛИМОВА

Мухаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ

Озода ПАРПИБОЕВА

Тошпўлат МАТИБАЕВ

Абдуқамол РАХМОНОВ

Собир ТУРСУНОВ

Котибият — 71 288-42-14 (144); 95 096-07-75

Қабулхона — 71 288-42-12 (141)

НАШР

КўРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир — Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб — Абдуғани Содиков

ISSN 2091-5217



9 772091 521009

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри,
Чилонзор тумани “Шарк тонги” кўчаси, 23-уй.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми — 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г — 701

Адади — 4 006

Босишга топшириш вақти — 21.00

Босишга топширилди — 21.10

Баҳоси келишилган нархда

Таҳририятга келган қўлзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарк” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!